

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОБЛАҚУЛОВ ҲУСАН АБДИСАЙИТ ЎҒЛИ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Облакулов Хусан Абдисайит ўғли

Навоий вилояти аҳолиси турмуш тарзи ва унинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари..... 3

Облакулов Хусан Абдисайит угли

Образ жизни населения Навоийской области и его социально-экономико-географические особенности..... 21

Oblakulov Khusan Abdisayit ugli

The lifestyle of the population of the Navoi region and its socio-economic geographical features 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОБЛАҚУЛОВ ҲУСАН АБДИСАЙИТ ЎҒЛИ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2019.2.PhD/Gr100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Комилова Нилуфар Қаршибоевна
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турдимамбетов Изимбет Рахметович
география фанлари доктори, доцент

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич
география фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-14; факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuu@mail.ru Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.)

Диссертация автореферати 2022 йил «15» январда тарқатилди.
(2022 йил «15» январдаги 37- рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шаринов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг тобора чуқурлашиб бориши таъсирида инсонлар ҳаётининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий жабҳалари кескин равишда ўзгариб бормоқда. Турли табиий географик ва тарихий-маданий муҳитга эга бўлган ҳудудларда аҳолининг анъанавий турмуш тарзи ва шароити ўзгариб бормоқда. Бу жараёнлар аҳолининг саломатлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, жамиятдаги маънавий қадриятларнинг сақланиши, давлатларнинг сиёсий барқарорлигига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Зеро, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида белгиланган мақсадлар орасида “Барча ёшдаги инсонларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонлигига кўмаклашиш”¹ масалалари муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳудудлар аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида аҳоли турмуш тарзининг маҳаллий хусусиятларини комплекс ҳисобга олишни тақозо этади.

Жаҳонда аҳоли турмуш тарзидаги ҳудудий тафовутлар ва муаммоли жиҳатларини аниқлаштириш ва жамиятнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш мақсадида турли кўлам ва мазмун-моҳиятга эга бўлган ижтимоий географик тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда. Мазкур тадқиқотларда аҳолининг турмуш тарзига ҳудудларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароити, этник ва диний омиллар, демографик жараёнлар, анъанавий ҳаётга инновацион технологияларнинг кириб келиши, инсонларнинг глобал миқёсда миграцион ҳаракатларининг жадаллашиб бориши, ижтимоий муносабатларнинг кенгайиши, гендер тенглигига интилиш каби кўп қиррали омилларнинг таъсирини аниқлашга ва таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳолининг турли қатламлари ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, турмуш даражасини янада кўтариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган². Бу борада, жумладан, Ўзбекистонда аҳоли турмуш тарзи ва унда юз бераётган замонавий ўзгаришларнинг ҳудудий тафовутлари, хусусият ва муаммоларини ўрганишга қаратилган ижтимоий географик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш

¹ Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года // <http://www.uz.undp.org/content/Uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz>.

тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 4 июндаги ПФ-6241-сон “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сон «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириши» йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли турмуш тарзини ўрганиш мураккаб масала бўлиб, у турли хил фан вакиллари: демографлар, иқтисодий географлар, социологлар ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ўрганилган. Аҳоли турмуш тарзи географиясига оид махсус назарий-услубий ва амалий тадқиқотларни хориж мамлакатларидаги олимлардан R.Bauer, D.Bogenhold, A.Campbell, T.Hagerstrand, B.Headey, R.Jonston, T.Jordan, P.J.Peter, M.J.Sirgy, G.Spaargaren, МДХ олимларидан эса А.И.Алексеев, В.М.Булаев, И.В.Бестужев-Лада, Г.Е.Глезерман, Ю.Н.Дмитриева, Ш.С.Дошитдондов, Л.Капустин, И.Н.Кодина, И.Г.Мальганова, В.Толстих, С.В.Федулов, А.Д.Чебеткова, И.В.Шаркова, Н.А.Щитова ва бошқалар бажарган. Бу мутахассисларнинг ишларида турмуш тарзи географияси ижтимоий географиянинг алоҳида йўналиши сифатида илмий-услубий жиҳатдан асосланган, ушбу тадқиқот йўналишининг методологик асослари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ баъзи масалалар О.Б.Ата-Мирзаев, Т.Абдуллаев, Р.Баллиева, З.У.Исмаилова, Н.Ў.Комилова, Н.Қ.Комилова, М.Мамажонов, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, А.С.Солиев, И.Р.Турдимамбетов, А.А.Қаюмов, П.Т.Худайбергана, П.Умрзокова, Н.Ў.Ўринбоев сингари олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Аммо эътироф қилиш лозимки, республикамизда бирор бир ҳудуд аҳолиси турмуш тарзидаги географик тафовутлар ҳамда уларга таъсир этувчи омилларнинг комплекс таҳлилига бағишланган кенг кўламли махсус илмий тадқиқотлар ханузгача бажарилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-2-003 “Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Навоий вилояти мисолида)” мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Навоий вилояти аҳолисининг турмуш тарзидаги тафовутлар ва уларга таъсир этувчи географик омилларни аниқлаш ҳамда шу асосда вилоят аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган илмий-

амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий адабиётлар таҳлили асосида “аҳоли турмуш тарзи” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва унинг турдош ижтимоий категорияларидан фарқли жиҳатларини аниқлаштириш;

Навоий вилояти аҳоли турмуш тарзига таъсир қилувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик омилларни аниқлаш;

вилоят аҳолиси турмуш тарзидаги ҳудудий тафовутларни ҳамда турли табиий-хўжалик шароитида яшовчи кишиларнинг кунлик ва йиллик турмуш цикллари дала кузатувлари (экспедиция), ижтимоий сўровномалар орқали таҳлил қилиш;

вилоят аҳолиси ички ва ташқи вақтинча меҳнат миграцияси ҳолатини ва унинг аҳоли турмуш тарзидаги аҳамиятини ўрганиш;

Навоий вилояти маъмурий-ҳудудий бирликларидаги аҳоли турмуш шароитини баҳолаш ва жойлардаги асосий ижтимоий муаммоларни аниқлаш;

вилоят аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий вилояти аҳолиси турмуш тарзи олинган.

Тадқиқотнинг предмети Навоий вилоятининг аҳолиси турмуш тарзидаги ҳудудий тафовутлар, уларга таъсир этувчи географик омиллар ҳамда турмуш шароити билан боғлиқ бўлган ҳудудий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий географик, статистик, картографик, социологик сўров, тарихий, SWOT-таҳлил каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудлар аҳолисининг турмуш тарзини ифодалайдиган ҳаракат йўналишлари (яшаш учун керакли маблағларни топиш, эҳтиёжларни қондириш, кундалик ҳаёт ва дам олишни ташкил қилиш усуллари)га географик омиллар (табиий шароит ва ресурслар, техноген муҳит, маданий қадрият ва анъаналар)нинг таъсири назарий жиҳатдан асосланган;

Навоий вилояти ҳудуди аҳоли турмуш тарзи жиҳатидан фарқланадиган учта йирик табиий-хўжалик (суғорма деҳқончилик; тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик; чўл-яйлов чорвачилиги) зоналарига ажратилган, мазкур зоналарда яшовчи қишлоқ аҳолисининг йиллик ва турли фасллар турмуш тарзи цикларидаги ҳудудий тафовутлар аниқланган;

вилоятнинг турли табиий-хўжалик (суғорма деҳқончилик, тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик, чўл-яйлов чорвачилиги) зоналарида аҳолининг ташқи ва ички вақтинчалик меҳнат миграциясининг тарқалганлиги, унинг асосий географик йўналишлари ва аҳоли турмуш тарзига таъсир даражаси ижтимоий сўровномалар ёрдамида аниқланган;

Навоий вилояти маъмурий-ҳудудий бирликларини аҳоли турмуш шароити нуқтаи назаридан рейтинг баҳолаш мезонлари (уй-жой коммунал ва ижтимоий инфратузилмага оид 9 та кўрсаткич) ва методикаси (ўринларнинг ўртача қиймати бўйича поғоналаш) ишлаб чиқилган ҳамда тегишли мазмундаги

Навоий вилоятининг 1:2 300 000 масштабли харитаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Навоий вилоятининг аҳолисининг зичлиги, ҳудудий миллий-этник, жинсий таркиби акс этган харитаси яратилган;

аҳоли турмуш тарзининг ҳудудий хусусиятлари акс этган табиий-хўжалик зоналари харитаси тузилган;

вилоятнинг турли табиий-хўжалик зоналари ва маъмурий-ҳудудий бирликларида турмуш шароити ва тарзининг долзарб ижтимоий муаммоларининг ечимига қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси маълумотлари, ижтимоий сўровномалар асосида аҳоли, турли ташкилот ва корхона ходимлари, муаллифнинг бевосита ўрганилаётган ҳудудларда экспедиция маълумотлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган хариталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизда илк бор аҳоли турмуш тарзининг ҳудудий тафовутлари ва уларга таъсир этувчи географик омилларни Навоий вилояти мисолида аниқлашга қаратилганлиги, унда қўлланилган услубий ёндашувлар, назарий хулосалар ва экспедицион маълумотлар ижтимоий географик тадқиқотларнинг ноанъанавий йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосида олинган хулоса ва тавсиялардан Навоий вилояти ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, олий таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ўқув материалларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоий вилояти аҳолиси турмуш тарзининг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари ва ҳудудий тафовутлари бўйича олинган натижалари асосида:

ҳудудлар аҳолисининг турмуш тарзини ифодалайдиган ҳаракат йўналишлари (яшаш учун керакли маблағларни топиш, эҳтиёжларни қондириш, кундалик ҳаёт ва дам олишни ташкил қилиш усуллари) ва уларга таъсир этувчи географик омиллар (табиий шароит ва ресурслар, техноген муҳит, маданий қадрият ва анъаналар)нинг моҳияти “Маданий география” номли ўқув қўлланмага сингдирилган (2021 йил 31 май 237-191 рақамли гувоҳнома). Мазкур илмий натижадан фойдаланиш талабаларнинг “аҳолининг турмуш тарзи” илмий категориясининг моҳияти ва унинг географик жиҳатларини самарали ўзлаштириш имконини берган;

Навоий вилояти ҳудудида ажратилган аҳоли турмуш тарзи жиҳатидан

фарқланадиган учта йирик – суғорма деҳқончилик, тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик, чўл-яйлов чорвачилиги табиий-хўжалик зоналарида яшовчи қишлоқ аҳолисининг йиллик ва турли фасллар турмуш тарзи циклларига доир материаллардан Навоий вилояти маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бошқармаси фаолиятида “Обод маҳалла” тамойили асосида маҳалла ва кўчаларни обод ва кўркам масканларга айлантириш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-02/1799-сон маълумотномаси). Натижада, Навоий вилояти аҳолисининг анъанавий турмуш тарзининг ўзига хос томонларини ўрганиш ва ҳудуд моддий маданиятини сайёҳлар ўртасида тарғиб қилиш имконини берган;

вилоятнинг турли табиий-хўжалик зоналарида аҳолининг ташқи ва ички вақтинчалик меҳнат миграциясининг тарқалганлиги, унинг географик йўналишлари ва аҳоли турмуш тарзига таъсир даражаси бўйича олинган хулосалардан Навоий вилояти маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бошқармаси фаолиятида, вилоят қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-02/1799-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий шароитда ишчи ўринларни кўпайтириш ва қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш имконини берган;

Навоий вилояти маъмурий-ҳудудий бирликларини аҳоли турмуш шароити нуқтаи назаридан рейтинг баҳолаш мезонлари ва методикасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1-майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон Қарори ҳамда 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5048-сон Фармонида Навоий вилояти қишлоқ туманлари ва шаҳарлари бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-02/1799-сон маълумотномаси). Натижада вилоят қишлоқ туманлари ва шаҳарлари кесимида ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришнинг мақсадли параметрларини маҳаллий шароит ва эҳтиёжларга мослаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли турмуш тарзини ижтимоий географик ўрганишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли турмуш тарзи категориясининг мазмун-моҳияти, унга таъсир этувчи географик омиллар, ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этишнинг илмий-назарий ва услубий асослари таҳлил қилинган ҳамда турмуш тарзи географиясининг ривожланиш тарихи баён этилган.


Муаллиф томонидан ижтимоий географик, ижтимоий-фалсафий, социологик адабиётларда келтирилган “аҳоли турмуш тарзи” категориясининг мазмун-моҳиятига оид маълумотлар таҳлил қилиниб, ушбу тушунчанинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

Турмуш тарзи, комплекс ижтимоий категория бўлиб, аҳолининг меҳнат ва хўжалик фаолияти, кундалик турмушидаги хулқ-атвори, дам олиш усуллари, маданий урф-одат ва анъаналарининг тарихан шаклланган ҳамда ўзгариб борадиган одатий циклик ҳолатидир.

Турмуш тарзи структураси кишиларнинг яшаш учун керакли бўлган даромад топиш, кундалик турмуш тарзини ташкиллаштириш, дам олиш ҳамда эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Турмуш тарзини, биринчи навбатда, инсон яшashi учун зарур бўлган маблағлар белгилаб беради. Кўпинча бу меҳнат фаолияти орқали амалга оширилади. Турмуш тарзининг иккинчи муҳим соҳаси инсоннинг ўзи ва унинг оила аъзолари учун озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш ва даволаниш билан боғлиқ. Инсонлар уй вазибаларини ўз зиммаларига оладилар, уларни оила аъзолари ўртасида тақсимлайдилар, айрим ҳолатларда шахслар ва ихтисослашган корхоналар хизматларидан фойдаланадилар. Дам олишни ташкил этиш билан боғлиқ учинчи блокда инсоннинг жисмоний ва маънавий қудратини тиклашга қаратилган ва зарурий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлмаган кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш йўллари акс эттирилган. Шунингдек, рекреацион фаолият, турли хил дам олиш, кўнгилочар машғулотлар, спорт, туризм турларини ўз ичига олади. Тўртинчи блок бўлган маънавий ҳаёт соҳаси ижтимоий, сиёсий, маданий, диний, экологик фаолиятни бирлаштиради ва у инсоннинг маънавий ва ахлоқий моҳиятини ривожлантиришдаги эҳтиёжини қондириш билан боғланган. Ушбу блок ўзининг меҳнатини сотиш зарурати ва моддий қизиқишлардан ҳоли бўлган фаолиятни ўз ичига олади (1-расм).

Аҳолининг турмуш тарзи худудларнинг табиий-хўжалик ва тарихий-маданий шароитларида турли хил ҳолатда шаклланади. Аҳолининг турмуш

тарзини англатувчи кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига географик омиллар айниқса, табиий шароит ва ресурслар, этномаданий қадрият ва анъаналар ҳамда техноген муҳит катта таъсир кўрсатади.



1-расм. Турмуш тарзи ифода топадиган ҳаракатлар ва уларга таъсир этувчи асосий географик омиллар (муаллиф томонидан тайёрланган)

Турмуш тарзи тушунчасининг мазмунини тўлароқ ифодалашда “турмуш даражаси”, “турмуш сифати”, “турмуш шароити” каби категорияларнинг мазмунига эътибор қаратиш зарур. Турмуш тарзи инсоннинг кундалик ҳаётидаги фаолиятини ифодаласа, турмуш шароити кишиларнинг яшаш муҳити ҳолатини акс эттиради. Ўз навбатда, турмуш даражаси деганда, кишилар эҳтиёжларининг моддий жиҳатдан қондирилганлик ҳолати тушунилса, турмуш сифати эса аҳоли турмушининг моддий ва маънавий жиҳатдан баҳоланишини, уларнинг маълум стандартларга мос ёки мос эмаслигини аниқлашни назарда тутади.

Аҳоли турмуш тарзини географик жиҳатдан ўрганишда статистик, қиёсий-географик, тарихий, картографик усуллар муҳим ўрин тутади. Аҳоли турмуш тарзига оид илмий асосланган хулосалар чиқариш учун мавзули тадқиқотлар доирасида статистик маълумотлар ва ижтимоий сўровномалар биргаликда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Сабаби, статистик ҳисоботларда аҳоли турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлган кўрсаткич ва жараёнларнинг муаян қисми қайд қилинмайди.

Аҳоли турмуш тарзи тўғрисидаги дастлабки географик тушунчалар қадимги Грецияда шаклланди. Мазкур давр географик асарларида табиат ва иқтисодиётнинг тавсифи билан бир қаторда аҳолининг турмуш тарзи, ахлоқи,

урф-одатлари, анъаналари, хулқ-атвори ва машғулоти тўғрисида маълумотлар тўпланган. Аҳолининг турмуш тарзи география фанида қадимдан ўрганилиб келинган бўлса-да, турмуш тарзи географияси социал географиянинг алоҳида йўналиши сифатида Ғарб давлатларида ўтган асрнинг ўрталарида, собиқ Иттифоқда эса, хусусан Россия, Эстония, Грузияда 1980-йилларга келиб шакллланган.

Диссертациянинг «**Навоий вилояти аҳолисининг турмуш тарзига таъсир этувчи омиллар**» деб номланган иккинчи бобида Навоий вилояти аҳолиси турмуш тарзига табиий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсир даражаси таҳлил қилинган.

Вилоят худудининг шимолий ва марказий қисмлари чўл зонасида жойлашганлиги туфайли Томди, Учқудук, Конимех ва Нурота туманларидаги қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолиси асосан чўл-яйлов чорвачилиги билан шуғулланади. Суғорма деҳқончилик эса вилоятнинг жанубий қисмида, яъни Зарафшон дарёси водийси ва дельтасида ривожланган. Навоий вилоятининг жануби-шарқий, Нурота ва қисман, Хатирчи тумани худудида эса рельеф ва гидроиклимий шароит туфайли тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ҳамда лалми деҳқончилик (асосан, дон ва дуккакли экинларни етиштириш) учун қулай имкониятлар мавжуд.

Вилоят аҳолисининг турмуш шароити ва тарзига қиш фаслида иқлим катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли вилоятнинг қишлоқ жойларида қиш фаслига муносиб тайёргарлик кўриш, айниқса ўтин йиғиш ва чорва моллари учун қишқи озуқа захираларини тўплаш аҳолининг кундалик турмуш тарзида муҳим ўрин тутиб, кўп вақт ва куч сарфлашни тақозо қилади.

Аҳоли турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сув ресурслари ҳисобланади. Шу ўринда Навоий вилоятнинг чўл, тоғ олди ва тоғли худудларида аҳолининг кундалик турмуши қудук, булок, кориз ва вақтинча оқар сойлар билан чамбарчас боғланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Навоий вилоятнинг турли қисмлари аҳоли табиий кўпайиши, миграцион ҳаракати ва миллий таркиби бўйича бир-биридан фарқ қилади. Вилоят аҳолисининг турмуш тарзи ва ундаги худудий тафовутларга аҳоли манзилгоҳларининг чўл ва тоғларда тарқоқ жойлашганлиги ва кичиклиги, аҳоли этник таркибининг хилма-хиллиги, хусусан, Томди, Учқудук, Конимех, Нурота туманларининг қишлоқ жойларида, асосан, қозоқ, қорақалпоқ, тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилиши ўз таъсирини кўрсатган.

Республика худудлари орасида Навоий вилояти ЯХМда саноатнинг улуши бўйича биринчи, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо ва умумий овқатланиш, хизматлар улуши бўйича эса, аксинча, охириги ўринни эгаллайди. Вилоятда оғир саноатнинг нисбатан юқори даражада ривожланганлиги, йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги ва улардаги иш ҳақи бир мунча юқори эканлиги аҳоли турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, вилоятда саноат шаҳарларига томон тебранма миграция кенг тарқалган.

Диссертациянинг «**Навоий вилояти аҳолиси турмуш тарзининг худудий табақаланиши**» деб номланган учинчи бобида Навоий вилояти худуди аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан

фарқ қиладиган табиий-хўжалик зоналарига ажратилган бўлиб, уларда яшовчи аҳолининг йиллик ва кунлик турмуш цикллари аниқланган ҳамда аҳоли турмуш тарзига меҳнат миграциясининг таъсири аниқланган.

Навоий вилояти ҳудудий жиҳатдан аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларига кўра фарқ қиладиган учта – *чўл-яйлов чорвачилиги, тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик ҳамда сугорма деҳқончилик* табиий-хўжалик зоналарига ажратилди. Мазкур зоналар табиий шароити, хўжалик анъаналари, саноат марказларига яқин-узоклиги ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида таркиб топган (2-расм).

Чўл-яйлов чорвачилиги зонаси. Зарафшон шаҳри, Томди, Учқудук, Конимех, Қизилтепа туманининг чекка жанубий ва Нурота туманларининг Қизилқум чўлида жойлашган қисмини ўз ичига олади. Аҳоли пунктларида чўл-яйлов чорвачилиги асосий машғулоти тури ҳисобланади. Мазкур зонада кўйчилик (асосан, қорақўлчилик), туячилик, йилқиччилик яхши ривожланган. Хусусан, кўйчилик Томди, Учқудук, Конимех туманлари аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи қозоқ ва қорақалпоқ миллатига мансуб аҳолининг хўжалик ва маиший ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зонаси Ғозғон шаҳри, Нурота ва Хатирчи туманларининг тоғ олди-тоғ ҳудудларини ўз ичига олади. Вилоятнинг жануби-шарқида жойлашган Нурота тоғ тизмаси баланд бўлмаганлиги туфайли бу тоғларда доимий оқар дарёлар мавжуд эмас. Бундай ҳолат бу зонада истиқомат қилувчи аҳолининг лалми деҳқончилик, ва қисман, чорвачиликнинг қорамолчилик йўналиши билан шуғулланишига олиб келган.

*Сугорма деҳқончилик зонаси*га Хатирчи, Навбахор, Кармана ва Қизилтепа туманларининг асосан суғориладиган ерлардан иборат қисми киради. Суғорма деҳқончилик ерлари, асосан, Зарафшон дарёсига туташ ҳудудларга тўғри келади. Бу зонада интенсив деҳқончилик, боғдорчилик, балиқчилик ривожланган. Вилоят маркази – Навоий шаҳри ҳам мазкур зонада жойлашган.

Аҳоли турмуш тарзи кишилар фаолиятининг йиллик ва кунлик циклларида аниқ намоён бўлади. Тадқиқот ишида Навоий вилоятининг турли табиий-хўжалик зоналари аҳолисининг фасллар кесимида йиллик ва кунлик турмуш циклларида батафсил тўхталиб ўтилди. Чўл-яйлов чорвачилиги зонасида яшовчи аҳолининг йиллик ва кунлик турмуш цикллари чорвачилик ва унга таъсир этувчи табиий-хўжалик шароитларнинг суткалик ва фаслий ритмиклигига боғлиқ ҳолда шаклланган. Тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зонаси аҳолисининг йиллик ва кунлик турмуш цикллари чорвачилик ва лалмикор деҳқончилик билан чамбарчас боғланган. Суғорма деҳқончилик зонаси аҳолисининг йиллик ва кунлик турмуш цикллари пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик билан боғлиқ ҳолда кечади.

Муаллифнинг экспедиция жараёнида табиий-хўжалик шароитлар ритмикасининг қишлоқ аҳолиси кундалик меҳнат ва маиший фаолиятига таъсири ўрганилди. Натижада табиий-хўжалик зоналарида жойлашган қишлоқ аҳолисининг баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларида кузатиладиган йиллик турмуш тарзи циклларининг ҳудудий тафовутлари аниқланди (1-жадвал).



МАСШТАБ 1 : 2 300 000

2-расм. Навоий вилояти аҳолиснинг турмуш тарзи жиҳатдан фарқланадиган табиий-хўжалик зоналари

1-жадвал

Фасллар Турлари	Баҳор	Ёз	Куз	Киш	Тафавтулар
Чўл-яйлов чорвачилиги	Кўйлар яйловларда боқилади, кўйлар жуни қирқилди (кўйларни қирқидан олдин сифатини ахшилатиш учун ювилади), туя ва йилқиларга қаралади, ўтов тайёрланади (ёзда иссиқ кунларда ҳамомлашиш ва ҳар хил ҳайвонотлардан сақланиш учун), кўйлар ҳар хил касалликларга қарши эмланади, туялар жуни олинади ва йилқиларга қаралади	Кўйлар яйловларда боқилади, кўйлар жуни қирқилди (кўйлар ўз ҳолатини тиклаши учун) ажратилиб боқилади, кўйлар ва кўзилар жуни қирқиб олинади (кўйларни қирқидан олдин жунининг сифатини ахшилатиш учун ювилади)	Кўйлар яйловларда боқилади, кигиз (кўзилар жуни воёга етсан кўйлар жунидан яхшироқ бўлади) боқилади, олача тўқилади, ўтин (шувок) тайёрланади, кўйларга киши озука учун янтоқ захираси йиғилади, ўтовлар йиғиштирилади	Кўйлар яйловларда боқилади ва парварнишланади (эрталоб ва кечкурун ем-ҳашак берилди) оғилхоналар тозаланади)	Кўйлар яйловларда боқилади, кўйлар жуни қирқилди, туя ва йилқиларга қаралади, ўтов тайёрланади, кўйлар ҳар хил касалликларга қарши эмланади, туялар жуни олинади, кўзилар ажратилиб боқилади, кигиз боқилади, олача тўқилади, ўтин чопилади, кўйларга киши озука учун янтоқ тўланади, ўтовлар йиғиштирилади
Тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик	Баҳорги экинларга ерлар хайдалади, баҳорги экинлар (картошка, ниёз, сабзи ва бошқалар) экилади, бузилган томорқалар тuzатилади, чорва молларини яйловга ўтлатиш учун олиб чиқилади, кўзиларга тамағ, эн (кўчиниларини кўйларидан ажратиб туриши учун) солинади, лалми ерларнинг бедалари (биринчи ўроқ даяри) ўрилади, кўйлар жуни олинади, томорқадаги (картошка, ниёз, сабзи ва бошқалар) экинлар сугорилди ва ишлов берилди	Лалми ерларда бугдой, нўҳат ва зигирлар йиғиштирилади, беда (иккинчи ўроқ даяри) ва ҳар хил турдаги ўтлар ўрилади, томорқадаги (картошка, ниёз, сабзи ва бошқалар) экинлар сугорилди ва ишлов берилди, чорва моллари яйловларда боқилади, пишиб етилган мевалардан ичимликлар ёпилади, лалми ерларнинг бедалари (биринчи ўроқ даяри) ўрилади, кўйлар жуни олинади, томорқадаги (картошка, ниёз, сабзи ва бошқалар) экинлар сугорилди ва ишлов берилди	Кўйлар қирқилади, янтоқ йиғилади, уйларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилади, олача, гилам, кашта тўқилади, чорва моллари яйловларда боқилади, баҳорда экилган экинлар йиғиштириб олинади, томлар усти лой сувук қилинади	Чорва молларига қаралади (ем-ҳашак ва сув берилди, оғилхона тозаланади), томларнинг усти ва ён қисмлари қорлардан тозаланади	Баҳорги экинларга ерлар хайдалади, экинлар экилади, бузилган томорқалар тuzатилади, чорва моллари яйловлар боқилади, кўзиларга эн солинади, лалми бедалар ўрилади, кўйлар қирқилади, томорқадаги экинлар сугорилди ва ишлов берилди, лалми бугдой, нўҳат ва зигирлар йиғиштирилади, пишиб етилган мевалардан ичимликлар ёпилади, олача, гилам, кашта тўқилади, лалми ерлардаги турли хил ўтлар (какра, шувок ва бошқалар) чопилади, уйларни қуриш, томлар усти лой сувук ишлари бажарилди,
Сўрма деҳқончилик	Чигит экилади, узумзорлар юмшатиш учун чопик қилинади ва очилади, бугдойзорлар сугорилди, иссиқхонадаги етиштирилган маҳсулотлар сотувга чиқарилди, узумзорлар сугорилди (ҳар хил бесона ўтлар тозалани ва тагини юмшатиш учун) чопилади ҳамда хомтоқ қилинади, пахталар сугорилди, полиз экинлари экилади	Бугдой, арпа ва бошқа экинлар, бугдой ва сомонлар йиғиштириб олинади боғларда пишган мевалар терилди ва бозорга чиқарилди, иссиқхоналарнинг устки том қисми очилади, полиз экинларига ишлов берилди, уйларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, узум узилди, баҳорги экинлардан сугорилган ерлар сугорилди ва кузги экинлар (мои, лоя, маккажохори ва бошқалар) экилади	Пахта терилди, баҳорги экинлар (картошка, ниёз, сабзи, шалғом, қарам, полз ва бошқалар) йиғиштирилди, боғларда мевалар териб олинади, кузги бугдой экилади, пахта гўзаноилари ўриб олиб келинади, тоқлар кўмилади, иссиқхоналар сабзавот экинлари экишга тайёрланади	Узумзорлар сугорилди, боғлар пайвандланади ва ишлов (кераксиз мохлари олинади) берилди	Чигит экилади, узумзорлар юмшатиш учун чопик қилинади ва очилади, бугдойзорлар сугорилди, иссиқхонадаги етиштирилган маҳсулотлар сотувга чиқарилди, узумзорлар чопилади ҳамда хомтоқ қилинади, пахта сугорилди, полиз экинлари экилади, бугдой, арпа ва бошқа экинлар йиғиштириб олинади, боғларда мевалар терилди ва бозорга чиқарилди, узум узилди, пахта терилди, баҳорги экинлар йиғиштирилди, тоқлар кўмилади, иссиқхоналар сабзавот экинларини экишга тайёрланади, узумзорлар сугорилди,

Жадвал жойлардаги кузатиш ва дала тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Маълумки, ҳозирги даврда республиканинг деярли барча ҳудудларида кўплаб меҳнат ёшидаги аҳоли хорижий мамлакатларга вақтинча меҳнат қилишга кетмоқда. Бу жараён Навоий вилоятининг турли ҳудудларида тарқалишини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Унда 31 та маҳалла раиси ва котиблари иштирок этди. Улардан 6 таси чўл-яйлов чорвачилиги зонасига, 7 таси тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зонасига, 18 таси суғорма деҳқончилик зонасида яшайди.

Ўтказилган сўровнома давомида хорижий мамлакатларга вақтинчалик миграция суғорма деҳқончилик зонаси аҳолисига нисбатан чўл-яйлов чорвачилиги ҳамда тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зоналари аҳолиси орасида анча суғорма ривожланганлиги аниқланди. Хорижий давлатларга вақтинчалик тарзда бориб ишлаши паст даражада эканлиги асосий сабаб чўл-яйлов чорвачилиги зонасида аҳолининг чорвачиликнинг туячилик ва йилқиччилик билан машғул эканлиги билан боғлиқ. Суғорма деҳқончилик зонасида эса нисбатан вақтинчалик ташқи меҳнат миграциясининг кенг тарқалганлигига ишсизлик даражасининг юқорилиги сабаб бўлмоқда.

Навоий шаҳрида йирик саноат корхоналари кўплиги ҳамда уларда ойлик маошнинг нисбатан юқорилиги учун вилоят марказига атрофдаги туманлардан кўплаб аҳоли кунлик ва ҳафталик тарзда қатнайди. Ушбу жараённинг қай миқёсда кенг тарқалганлигини, ажратиб олинган географик зоналар бўйича фарқланишини ва аҳолининг турмуш тарзида тутган ўрнини аниқлаш мақсадларида махсус ижтимоий сўровномалар олиб борилди.

Тадқиқотлар икки йўналишда ташкил этилди. Биринчи йўналиш маятниксимон миграциянинг ҳажми ва географиясини аниқлашга қаратилган бўлиб, Навоий шаҳрига мунтазам қатнайдиغان такси ҳайдовчилари ўртасида ўтказилди. Сўровномада 6 та тумандан Навоий шаҳрига томон қатнайдиغان 41 та ҳайдовчи иштирок этди. Сўровнома натижаларига кўра, вилоят марказига атрофдаги туманлардан мунтазам равишда 25 минг кишидан ортиқ аҳоли кунлик ва ҳафталик маятниксимон миграцияда қатнашиши аниқланди. Уларнинг аксарият қисми вилоятнинг суғорма деҳқончилик зонаси (айниқса, Навбаҳор, Кармана ва Хатирчи туманлари аҳолиси), энг ками эса чўл-яйлов чорвачилиги зонаси аҳолисига тўғри келади.

Иккинчи тадқиқот миграциянинг бевосита аҳоли турмуш тарзига таъсирини аниқлашга қаратилган. Мазкур мақсад асосида сўровнома бевосита ишга қатнайдиغان аҳоли ўртасида ўтказилди. Сўровномада Навоий вилоят пульмонология ва фтизиатрия маркази, “Навоийазот” АЖ ва Навоий ИЭС корхоналарининг ишчи ходимларидан жами 53 киши иштирок этди. Улардан 15 таси Навбаҳор, 18 таси Кармана, 7 таси Қизилтепа, 9 таси Хатирчи, 1 таси Нурота, 3 таси Конимех туманларида яшайди ва улар Навоий шаҳрига маятниксимон тартибда ишга қатнайди.

Аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга қатнаб ишлаши уларнинг турмуш тарзига катта таъсир кўрсатади. Чунки, масофанинг узоқлиги инсон умрининг муайян қисми транспортга сарфланишига, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Мигрантларнинг кўп вақти йўлда ва ишда ўтади, шунинг учун уларнинг фарзандлар тарбияси ва таълими билан шуғулланишга

вақти етишмайди. Кейинчалик бундай ҳолатлар оилавий муҳит ва фарзандлар тарбиясига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Навоий вилояти аҳолисининг турмуш шароитидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари**» деб номланган тўртинчи бобида муаллиф томонидан вилоятнинг қишлоқ туманлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардаги аҳоли турмуш шароитини баҳолаш учун 9 та кўрсаткич бўйича мезон ва методикаси ишлаб чиқилган ҳамда ушбу мезонлар асосида аҳоли турмуш шароити баҳоланган. Аҳоли турмуш шароитини баҳолаш учун иккита маълумот манбаига таянилди. Улар – ҳудудлар кесимида жамланган расмий статистик маълумотлар ҳамда аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома маълумотлардир.

Навоий вилоятининг қишлоқ туманлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардаги аҳоли турмуш шароитини баҳолаш мезонлари тариқасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой фонди, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлиги, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари сони, умумтаълим мактабларида олий маълумотли ўқитувчиларнинг улуши, умумтаълим мактабларида олий ва биринчи тоифали педагогларнинг улуши, мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим ва тарбия муассасалари билан қамрови, жами автомобил йўлларининг узунлигида қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг улуши каби кўрсаткичлар асос қилиб олинди. Таҳлиллар жараёнида 9 та кўрсаткичнинг ҳар бири бўйича ҳудудларнинг вилоятдаги ўрни аниқланди. Сўнгра ҳудудлар учун ўрин кўрсаткичларининг ўртача қиймати топилиб, бу қиймат асосида шаҳар ва туманларнинг аҳоли турмуш шароити қулайлиги жиҳатидан вилоятдаги рейтинг аниқланди ва мазкур мезон асосида гуруҳлаштирилди (2-жадвал).

Тоғ олди-тоғ яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зонасида (Нурота тумани) олий маълумотли ўқитувчиларнинг улуши, олий ва биринчи тоифали ўқитувчиларнинг улуши, 10 минг аҳолига тўғри келадиган ўрта тиббиёт ходимлари сони кўрсаткичлари юқори бўлса, бу ҳудуднинг мактабгача ёшгача болаларнинг мактабгача таълим ва тарбия муассасалари билан қамрови, табиий газ билан таъминланганлиги жиҳатидан тутган ўрни вилоят миқёсида қуйи ўринларда туришини таъкидлаб ўтиш лозим.

Чўл-яйлов чорвачилиги зонасида жойлашган туманлар (Томди, Учқудук, Конимех) бир қатор кўрсаткичлар бўйича вилоятдаги улуши паст эканлигини кузатиш мумкин. Айниқса, Томди туманининг ижтимоий соҳалари суст ривожланганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Вилоят аҳолисининг турмуш шароитига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида табиий-хўжалик шароити, вилоят марказидан узоқлиги ва аҳолининг турмуш тарзи турлича бўлган 5 та туманда (Кармана, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Конимех) махсус ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Сўровномада иштирок этган Кармана ва Навбаҳор туманлари респондентлари ўз турмуш шароитини нисбатан юқори, Хатирчи ва Нурота туманларида яшовчилар ўртача, Конимех туманида яшовчи респондентлар эса турмуш шароитини паст, деб баҳолаган.

Навоий вилояти маъмурий birlikларида аҳоли турмуш шароитини рейтинг баҳолашиши (01.01.2020)

Худудлар	Кўрсаткичлар												Ўртача ўрин кўрсаткичи		Рейтинг позицияси					
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой фонди		Ичимлик суви билан таъминланганлиги		Табиий газ билан таъминланганлиги		10 минг аҳолига тўғри келадиган шиокоқорлар сони		10 минг аҳолига тўғри келадиган ўрта тибиёт ҳодимлари сони		Ўмтаълим мактабларидаги педагог ҳодимларнинг ўмумий сонига олий маълумотли ўқитувчиларнинг ўлуши		Ўмтаълим мактабларида олий ва биринчи тоифали ўқитувчиларнинг ўлуши			Мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабга таълим ва тарбия муассасалари билан камраб олинishi		Каттик кошамали йўларнинг жами йўларнинг йўларнинг узунлигидagi ўлуши		
	М ²	Ўрни	%	Ўрни	%	Ўрни	%	киши	Ўрни	киши	Ўрни	%	Ўрни	%		Ўрни	%	Ўрни	%	Ўрни
Навоий ш	16,9	8	100,0	1	100,0	1	17,3	1	57,5	1	97,9	1	16,1	2	100	1	87	1	2,0	1
Зарафшон ш	11,5	9	99,7	2	99,7	2	2,3	5	8,8	5	91,8	4	14,1	3	97,8	2	73,7	3	3,7	2
Туманлар:																				
Кармана	25,3	3	85,0	3	98,2	3	3,5	4	16,9	4	90,8	5	10,1	7	94	3	45,9	8	4,5	4
Қизилтепа	26,5	2	71,2	4	70,5	4	3,6	3	28,9	3	94,4	2	13,3	4	70,1	5	48,4	7	3,8	3
Навбахор	32,9	1	58,8	7	60,7	5	1,7	6	12,1	6	86,4	9	11,1	6	63,1	7	54,7	4	5,6	5
Нурога	18,2	7	61,1	6	41,1	8	1,1	7	8,4	7	90,1	7	17,9	1	58,1	8	49,4	5	6,2	6
Конимех	23,4	5	68,1	5	52,7	7	0,1	9	1,0	9	93,1	3	9,7	9	51,7	10	42,4	10	7,4	7
Томди	13,7	10	42,3	10	0	9	0,02	10	0,2	10	90,7	6	7,8	10	53	9	49,3	6	8,8	9
Учкудук	23,9	4	52,7	8	0	9	0,5	8	2,3	8	88,9	8	10,0	8	65	6	74,9	2	6,7	8
Хатирчи	20,1	6	46,1	9	56,2	6	5,3	7	34,7	2	86,1	10	11,5	5	71,2	4	43,1	9	6,4	6


юқори

ўрта

паст

Манбалар: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобил давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг xt.uzedu.uz веб-сайти, Навоий вилоят статистик бош бошқармаси маълумотлари.

Тадқиқот натижаларига кўра, вилоятнинг турмуш шароити Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Қизилтепа туманида юқори, Кармана, Хатирчи, Нурота, Навбахор туманларида ўртача, Конимех, Учкудук ва Томди туманларида бирмунча паст эканлиги аниқланди. Мазкур тадқиқот натижаларидан вилоят шаҳар ва туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда ва амалиётга татбиқ этишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Мазкур диссертацияда амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Турмуш тарзи ижтимоий категория бўлиб, аҳолининг меҳнат ва хўжалик фаолияти, маиший кундалик юмуши, дам олиш усуллари, маданий урф-одат ва анъаналарининг тарихан шаклланган ҳамда ўзгариб борадиган одатий ҳолатидир. Аҳоли турмуш тарзи ўз мазмун-моҳиятига кўра турмуш шароити, турмуш даражаси ва турмуш сифати тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Турмуш шароити кишилар яшашининг иқтисодий-ижтимоий, табиий ва маънавий муҳитининг яхлит ифодаси бўлса, турмуш даражаси аҳоли моддий таъминотини ўзида акс эттиради. Турмуш сифати тушунчаси эса аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжлари қондирилиш сифати, реал турмуш шароитининг муайян турмуш стандартларига мос келиш даражасини ифодалайди. Шундай экан, турмуш тарзи алоҳида ўрганишга лойиқ бўлган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

2. Турмуш тарзи географияси социал географик тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши бўлиб, уларнинг ўзига хос предмети аҳоли турмуш тарзидаги ҳудудий тафовутлар, уларга таъсир этувчи географик омилларни аниқлаш ва комплекс таҳлил қилишдан иборат. Маълум ҳудудий бирликлар кесимида аҳоли турмуш тарзини объектив равишда ўрганиш ва қиёслаш учун давлат органлари томонидан йиғиб олинadиган ва эълон қилинадиган статистик ҳисоботлар билан бир қаторда жойлардаги кузатувлар ва ижтимоий сўровнома натижаларидан кенг миқёсда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Тадқиқотда ҳудудлардаги аҳоли турмуш тарзини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий ҳамда этномаданий омиллар билан бир қаторда иқлим, ер-сув ва минерал ресурслари, тупроқ-мелиоратив шароит каби табиий географик ва экологик омилларининг аҳоли турмуш тарзига таъсири Навоий вилояти мисолида асослаб берилди.

4. Навоий вилояти ҳудуди аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари (аҳоли бандлиги ва кундалик турмушидаги асосий машғулотлар, уй хўжалиқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этиш ҳолати) билан фарқланувчи учта – чўл-яйлов чорвачилиги, тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик, суғорма деҳқончилик табиий-хўжалик зоналарига ажратилди ва тегишли мазмундаги мавзули социал харита тузилди.

5. Олиб борилган ижтимоий сўровнома натижаларидан фойдаланиб, вилоятнинг турли табиий-хўжалик зоналаридаги қишлоқ жойларида

шаклланган ва кенг тарқалган йиллик ҳамда фасллар кесимидаги кунлик турмуш цикллари (қишлоқ шароитида ҳаёти уй хўжалиги билан боғлиқ бўлган аёллар мисолида) аниқланди. Ушбу усулдан маълум бир ҳудудда яшовчи аҳоли, унинг таркибидаги ижтимоий ёки этномаданий гуруҳларнинг турмуш тарзини илмий ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

6. Навоий вилояти ҳудудида ажратилган учта табиий-хўжалик зоналарда ўтказилган қатор ижтимоий сўровномалар натижасида ҳудудларда ички ва ташқи вақтинча меҳнат миграцияси турли миқёсда тарқалганлиги аниқланди. Хусусан, аҳоли кам, ер ресурслари кўп, чорвачилик ва у орқали даромад топишга шароит бир мунча қулай бўлган чўл-яйлов чорвачилиги ҳамда тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зоналарида бу жараёнлар камроқ, аҳолиси зич, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган суғорма деҳқончилик зонасида юқори даражада ривожланганлиги қайд этилди. Шу боис, қишлоқ жойларда ишсизликни олдини олиш ва бунинг учун ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантирган ҳолда янги иш ўринларини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7. Навоий вилоятининг маъмурий-ҳудудий бирликлари мисолида аҳоли турмуш шароитига кўра баҳолаш мезонлари ва методикаси ишлаб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа тумани юқори, Кармана, Хатирчи, Нурота, Навбахор ўртача, Конимех, Учқудуқ, Томди туманларининг эса турмуш шароити бирмунча паст эканлиги аниқланди. Шу сабабли турмуш шароитида муаммолар кўпроқ кузатилаётган туманларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқ аҳоли пунктлари инфраструктурасини ривожлантириш, саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини оқилона ҳудудий ташкил этиш, экологик муҳитни соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

8. Ҳар бир табиий-хўжалик зонада аҳоли турмуш шароитининг ўзига яраша кучли ва кучсиз томонлари, уларни яхшилаш имкониятлари, ва аксинча, бўлган хавф-хатарлар SWOT-таҳлили усули орқали баҳоланди. Натижада чўл-яйлов чорвачилиги, тоғ олди-тоғ-яйлов чорвачилиги ва лалми деҳқончилик зоналарида кучсиз, суғорма деҳқончилик зонасида кучли эканлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ОБЛАКУЛОВ ХУСАН АБДИСАЙИТ УГЛИ

**ОБРАЗ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ И ЕГО
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ**

11.00.02-Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В.2019.2.PhD/Gr100

Диссертация выполнена Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nuu.uz) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz)

Научный руководитель:

Комилова Нилуфар Каршибаевна
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Турдымамбетов Изимбет Рахметович
доктор географических наук, доцент

Кодиров Рахимжон Болтабоевич
доктор географических наук (DSc), доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится "26" января 2022 года в "14⁰⁰" часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.Gr.01.06 по присуждению научных степеней при Национальном университете Узбекистана, (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-14; факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuu@mail.ru факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за номером № 6). (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Автореферат диссертации разослан "15" января 2022 года
(реестр протокола рассылки № 37 от "15" января 2022 года)



Н.И.Сабитова

Председатель Научного совета по
присуждению научных степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Секретарь Научного совета
по присуждению научных
степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Под влиянием углубляющихся процессов глобализации в мире кардинально меняются не только экономические, но и социально-культурные аспекты жизни людей. В регионах с различной природно-географической и историко-культурной средой меняются традиционный образ и условия жизни населения. Эти процессы влияют на здоровье и социально-экономическое благополучие населения, сохранение духовных ценностей в обществе, политическую стабильность государств. Действительно, видное место среди целей Программы Организации Объединенных Наций по устойчивому развитию до 2030 года занимает «способствование здоровому образу жизни и благополучию людей всех возрастов»¹. Поэтому в процессе разработки и реализации мероприятий по улучшению условий жизни населения регионов необходим комплексный учет местных особенностей образа жизни населения.

В мире в целях выявления региональных различий в образе жизни населения мира, его проблемных аспектов и повышения социального благосостояния общества приоритет отдается социально-географическим исследованиям различного масштаба и содержания. В этих исследованиях особое внимание уделяется выявлению и анализу воздействия на образ жизни населения таких многогранных факторов, как природные и социально-экономические условия регионов, этнические и религиозные факторы, демографические процессы, внедрение инновационных технологий в традиционную жизнь, ускорение глобальной миграции, расширение социальных отношений, стремление к гендерному равенству.

В нашей республике проводится ряд реформ, направленных на улучшение социально-экономического положения, дальнейшее повышение уровня жизни различных слоев населения, дальнейшее социально-экономическое развитие регионов и достигаются определенные результаты. В Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года ставятся важные задачи по «... повышению уровня жизни и доходов, ускорению развития социальных сфер и поддержке семей, нуждающихся в социальной защите»². В связи с этим важно проведение социально-географических исследований, в том числе изучение региональных различий, особенностей и проблем уровня жизни и его современных изменений в Узбекистане.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5938 от 18 февраля 2020 года «О мерах по улучшению социально-духовной среды в обществе, дальнейшей поддержке института махалли и выводу системы работы с семьей и женщинами на новый уровень», УП-6241 от 4 июня 2021 года, Решении РП-5048 от 2 апреля 2021 года «О дополнительных мерах по реализации программы «Обод кишлок» и «Обод махалля»» и других

